
ХАММАСИ ВАЗИРЛИК ХИСОБИДАН

ХАММАСИ ВАЗИРЛИК ХИСОБИДАН

Олтиариқ тумани Қизилтепа маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги илгари ёғоч устунларда турган, кўплаб носозликларни келтириб чиқараётган электр тармоқлари ҳамда трансформаторлар янгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-172-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ 187-сонли қуввати 160кВА трансформатор пунктига қўшимча трансформатор ўрнатиш ҳамда чиқувчи 0,4кВли хаво тармоғини реконструкция қилиш ишлари бажарилди. Эскирган сим тармоғи ўрнига замонавий кабеллар тортилди. Қўшимча 2 дона қуввати 160кВАли ва қуввати 250кВАли трансформатор пунктлари ўрнатилиб фойдаланишга топширилди. Жами бўлиб 150дона темир бетон таянчлар ўрнатилди. Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш бўйича амалга оширилган барча ишлар энергетика вазирлиги маблағлари хисобидан бажарилди. <http://www.oltiariq.uz>

2023-03-31 08:09:34